

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ ХУҚУҚИДА ТАФТИШ ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА  
ХОС ЖИХАТЛАРИ****Бозорбоев Жавлон Хайрулла ўғли***Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратураси  
“Прокурорлик фаолияти” йўналиши тингловчиси*

**Аннотация:** *ушбу мақолада тафтишнинг процессуал жиҳатлари, тафтиш ўтказувчиларнинг ваколатлари, тафтиш ўтказилаётган субъектларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари, жараёнда процессуал нормаларга риоя этилиши, тафтиш ўтказишда замонавий технологиялардан фойдаланиш, тафтиш ўтказишнинг тартибга солувчи нормаларни такомиллаштириш каби масалалар тадқиқ этилган.*

**Калит сўзлар:** *тафтиш, тафтишнинг хуқуқий асослари, жиноят процессуал жиҳатлар, тафтиш турлари, тафтиш ўтказувчи шахслар, тафтиш субъектларининг хуқуқлари*

**Аннотация:** *в данной статье исследуются такие вопросы, как процессуальные аспекты досмотра, полномочия проводников досмотра, права и обязанности субъектов, проходящих досмотр, соблюдение процессуальных норм в процессе, использование современных технологий при проведении досмотра, совершенствование норм, регулирующих проведение досмотра.*

**Ключевые слова:** *проверка, правовые основы проверки, уголовно-процессуальные аспекты, виды проверки, лица, проводящие проверку, права субъектов проверки*

**Annotation:** *This article examines such issues as the procedural aspects of the inspection, the powers of the inspection conductors, the rights and obligations of the subjects undergoing the inspection, compliance with procedural norms in the process, the use of modern technologies during the inspection, improvement of the norms governing the inspection.*

**Keywords:** *revision, legal basis of revision, criminal procedural aspects, types of revision, persons conducting revision, rights of subjects of revision*

Жиноят ишини тергов қилиш даврида тафтиш бирор корхона, муассаса, ташкилотнинг муайян давр оралиғидаги молия-хўжалик фаолиятига тегишли ҳужжатларини ўрганиш мақсадида амалга оширилади. Ўзбекистон миллий энциклопедиясига кўра, тафтиш деганда бўлиб ўтган иш, ходиса ва бошқа юзасидан ёки ҳақиқий аҳволни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган текширув, шунингдек корхона, компания, ташкилот, муассасалар молия-хўжалик фаолиятини, мансабдор шахсларнинг хизмат фаолиятини, ҳужжатлар, бюджет муассасаларида бюджетдан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши; бухгалтерия ёзувларининг тўғри юритилишини текшириш тушунилади<sup>15</sup>.

<sup>15</sup> Жиноят процесси. Умумий қисм. / З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. -Т.: Янги аср авлоди, 2002. –Б.101.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жиноят ишлари бўйича тафтиш ўтказиш билан боғлиқ процесуал нормалар номукамал ва такомиллаштиришга муҳтож ҳисобланади.

Ҳозирда мавжуд процесуал моддалар тизими тафтиш жараёнида иштирок этувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини тўла таъминлай олмайди. Тафтиш ўтказиш билан боғлиқ процесуал ҳаракатларда замонавий технологиялардан фойдаланиш даражаси жуда паст ва тафтиш ўтказиш методлари эскирган.

Жиноят-процесуал қонунчилиги инновацион ёндашувлар асосида ўтказилиши мумкин бўлган сиртқи тафтишга эҳтиёж сезади. Бундай тафтиш турига айниқса тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ содир этилиши мумкин бўлган жиноятларни тергов қилишда айниқса катта эҳтиёж мавжуд.<sup>16</sup>

Тафтишни тайинлаш ваколатининг турли мансабдор шахсларда мавжудлиги ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар ва коррупцион ҳолатларнинг кўпайишига хизмат қилади ва ушбу ваколатларнинг судларга ўтказилиши масаласи бугунги жиноий-процесуал нормалар тизимини такомиллаштиришга оид яна бир муҳим қадам бўлиши муқаррар.<sup>17</sup>

Эътиборга молик масалалардан яна бири ўзига нисбатан текшириш ўтказилаётган субъектнинг мансабдор шахси ёки вакили тегишли ҳужжатларни олиш ва улар билан танишишдан бош тортган тақдирда, тафтиш ўтказиш учун тайинланган шахс томонидан унинг ўзи ва текширилаётган субъектнинг мансабдор шахси ёки вакили ушбу ҳолат юзасидан махсус баённома тузилади ва у тарафлар томонидан имзоланади.<sup>18</sup>

Тафтиш ўтказилгандан сўнг унинг натижаси ўлароқ тафтиш ҳужжатларининг судда исботлаш воситалари сифатида тан олинishi ва ишни кўриб чиқишда яроқлилиги масалалари марказий ўрин тутиши тафтишни тергов ҳаракати сифатида аҳамиятини белгилайди.

Терговчи тафтиш тайинлаш ҳақидаги қарорида тафтиш ўтказувчи шахсга аниқ топшириқ(савол) қўя олиши тафтишнинг сифатли ва самарали ўтказилишининг энг биринчи шартидир. Шунингдек терговчи қарорда тафтиш ўтказувчиларнинг соҳавий мансублигига эътибор қаратиши лозим. Олдиндан била туриб турдош соҳа вакилларининг тафтишга жалб этилиши ва айнан тафтиш предмети масаласи юзасидан махсус билимларга эга эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Бунда тафтиш ўтказилиши лозим бўлган масалалар доираси юзасидан терговчида шубҳа пайдо бўлса жиноий-процесуал қонунчилик масалалар доирасини ўзгартириш ёки кенгайтиришни таъқиқламайди, яъни қарор чиқарилгунча терговчи тафтиш

<sup>16</sup> Мўминов Б.А. Судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишни такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: 2018, -636.

<sup>17</sup> Мўминов Б.А. Судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишни такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: 2018, -636.

<sup>18</sup> Жиноят процесси. Умумий қисм. / З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. -Т.: Янги аср авлоди, 2002. –Б.101.

қилинаётган масалалар доирасини ўзгартиришга ҳақли, бироқ тафтиш бошлангандан кейин ўзгартириш мумкин эмас.

Процессуал қонунчиликнинг яна бир қизиқарли жиҳатларидан бири шундаки ЎЗР ЖПК 187<sup>8</sup>-моддасига кўра “Текширилаётган субъект мансабдор шахсининг ёки вакилининг тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатномадаги имзоси унинг тафтиш натижаларидан рози эканлигини билдирмайди”, яъни, ушбу қоидага кўра, ўзига нисбатан тафтиш ўтказилаётган субъект мансабдор шахси ёхуд вакили тафтиш натижаси бўйича далолатномани имзолаши бундай шахсларнинг далолатномада қайд этилган ва аниқланган ҳолатларни тан олишини назарда тутмайди.

Шунга эътибор қаратилиши жоизки, субъект мансабдор шахси текширув босими остида ёки махсус билимларга эга эмаслиги ортидан далолатномани имзолаши эҳтимоли юқорилиги учун уларнинг далолатномага эътироз ва важлари шундай далолатнома имзоланиши билан чегараланиб қолмайди. Бироқ тафтиш натижаси тўғрисидаги далолатноманинг барча нусхалари тафтиш ўтказувчи шахслар томонидан имзоланади ва бундай имзонинг мавжудлиги шартли тафтиш ўтказувчи шахсларга ушбу далолатномада акс эттирилган барча ҳолатлар юзасидан мажбуриятлар юклайди ва жавобгарлик доирасини белгилайди.

Шундай ёндашув тўғри бўлишига шубҳа қилмаган ҳолда таъкидлаймизки, тафтиш тузувчилар ёки шартли тафтиш ўтказувчи шахсларнинг жавобгарлик доираси тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарор(ажрим) да қўйилган масалалар билан чегараланади, аммо қарор(ажрим)да белгиланган масалалар тафтиш ўтказиш жараёнида бошқа ҳолатларнинг аниқланиб, ёхуд ошкор бўлиб қолиш эҳтимолини истисно этмаслиги лозим.

Амалиётда учраб турадиган ҳолат сифатида айрим жиҳатлардан бири бу судлар томонидан муайян ишлар юзасидан қўшимча тафтиш тайинлаш тўғрисидаги ажримлар чиқарилиши бўлиб, бунда иш бўйича янгидан аниқланган ҳолатларни аниқлаштириш учун ҳам қўшимча тафтиш ўтказиш зарурати юзага келиши мумкинлигини назарда тутишимиз мақсадга мувофиқ.

Суд тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатномада кўрсатилган хулосалар асосиз бўлганда ёки уларнинг тўғрилиги шубҳа туғдирганда қайта тафтиш тайинлаш тўғрисида ажрим чиқариш ҳоллари эса бевосита аниқланган ҳолатларнинг терговчи ёхуд прокурор томонидан нотўғри малакаланиши масалалари билан бевосита боғлиқлиги ҳолатлари масала нақадар мураккаб ва изчил ёндашувни талаб этишини тушунилишига ёрдам беради.

Тафтиш жиноят процессининг жиноятни фош этиш юзасидан олиб бориладиган процессуал ҳаракатларнинг энг муҳим турларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда тафтиш билан боғлиқ нормалар нисбатан яқинда Жиноят процессуал кодексига киритилган бўлиб ҳамон ушбу процессуал нормалар такомиллаштирилиши талаб этилади. Тафтиш ўтказиш билан боғлиқ ўзига хос жиҳатлардан яна бири бу жараёнда юқори технологиялардан фойдаланиш ҳамда жараён иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлашдир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга такдим этган Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 6 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПФ5268-сонли «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.12.2017 й., 06/17/5268/0341-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сон қарори // <https://lex.uz/docs/3735818>.

5. Жиноят процесси. Умумий қисм. / З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. -Т.: Янги аср авлоди, 2002. -Б.101.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ4850-сонли «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда

7. Мўминов Б.А. Судга қадар иш юритувида махсус иктисодий билимлардан фойдаланишни такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т.: 2018, -636.

8. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июндаги 100-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»

9. Овчаренко Н.Б. Порядок назначения и производства ревизии по делам о хищениях путем присвоения или растраты // Криминалистика: вчера, сегодня, завтра. 2017. №3 (3). -2с. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/poryadoknaznacheniya-i-proizvodstva-revizii-po-delam-o-hischeniyah-putem-prisvoeniya-ilirastraty>

10. Анапольская, А. И. (2014). Порядок подготовки и назначения судебно-бухгалтерской экспертизы по делам о мошенничествах и связанных с ними преступлениях, совершаемых в сфере функционирования электронных расчетов. Актуальные вопросы борьбы с преступлениями, (1 (1)), 66-68.